

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 74 (7.067). Sotuvda erkin narxda

Осиёда тинчлик ва ҳамкорликни мустақкамлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июн куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қатнашди.

Осиёда кўпга минтақавий тузилмалар мавжуд. Аммо уларнинг деярли барчаси жугрофий ва савдо-иқтисодий омиллардан келиб чиқиб тузилган. Мазкур кенгаш эса қитъада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларини ялпи қамраб олган. Шу жihatдан у муҳим аҳамиятга эга.

Форумда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Россия Президенти Владимир Путин, Хитой Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Покистон Президенти Первез Мушарраф, Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар. Шунингдек, Таиланддан Бош вазир Таксиан Шинаватра, Исроилдан Бош вазир ўринбосари Шимон Перес, Ҳиндистондан махсус вакил – нефть ва табиий газ вазистри Мурли Деора, Эрондан ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Аббас Эракчи, Мўғулистондан парламент Спикери Мэндсайхан Энхсайхан, Фаластиндан Фаластин Озодлик ҳаракати Ижроа кўмитаси аъзоси Сатд Аҳмад Ауда, Туркиядан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазистри Абдуллоҳ Гул ва бошқа қатор мамлакатлардан махсус вакиллар иштирок этди.

Саммит аввалида кенгашга Корея Республикаси қўшилгани ва эндиликда унинг аъзолари сонини ўн саккизга етгани маълум қилинди.

Кенгашнинг 2002 йил 4 июнда бўлиб ўтган илк саммитида қабул қилинган яқиний ҳужжатда қайд этилганидек, Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мазкур тузилма фаолиятининг асосий мақсадидир. Бунда низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини химоя этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш назарда тутилган.

Кенгаш оммавий қирғин қуроли бутунлай йўқ қилинишини ёқлайди. Айниқса, ядровий қуролини таъминлаш устувор масала саналади. Тузилма ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларидан холи зона барпо этиш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Шу жihatдан ўзбек-Ўзбекистоннинг у билан ҳамкорлиги учун янги асос бўлади. Зеро, мамлакатимиз Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришнинг бош ташаббусларидир.

Кенгаш барча турдаги террорчиликни кескин қоралайди. Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка айирмачилик ва наркотрафик ҳам жиддий таҳдид солаётгани борасида кенгаш аъзоларининг фикри яқдил. Шу билан бирга, коррупцияга оғир трансмиллий жиноий фаолият сифатида қаралади.

Бу муаммоларнинг барчаси кўп томонлама, мувофиқлаштирилган ҳамжиҳат савий-ҳаракатларни талаб қилади, албатта.

Кенгашнинг илк саммитида тўрт йилда бир марта олий даражада учрашув ўтказиб боришга келишиб олинган эди. Бу галги саммитда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди, истикболдаги режалар белгилан олди. Кенгашнинг ишчи механизми – Котибияти тузилди.

Осиёда хавфсизлик масаласи тобора долзарблашаётгани сир эмас. Саммит қатнашчилари минтақавий хавфсизликни таъминлашда, янги таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда ҳамкорликдаги савий-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар. Ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар бўйича зарур чораларни белгилаб олиш юзасидан фикр алмашдилар. Ҳар бир давлат делегацияси раҳбари минтақавий хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини баён этди.

Ўзбекистон Президентининг Ислам Каримов ўз нутқида можаро ва келишмовчиликларни бартараф этишда, турли миллатлар ва динлар вакилларининг тотулигини таъминлашда ўзаро ишонч масалаларига ҳар доим устувор аҳамият бериб келинганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи

Ҳурматли раис!
Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни, ушбу саммитда қатнашаётган давлатлар раҳбарлари ва вакилларини кутлаш ҳамда кўрсатилган меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун Қозоғистон Президентини Нурсултон Назарбаевга сиймосий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бахш этди.

Фурсатдан фойдаланиб, Кенгашда бугун муҳокама этилаётган масалалар бўйича ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён этмоқчиман.

Давлатлараро муносабатлардаги можаро ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам, миллатлараро ва динлараро тотулини таъминлашда ҳам муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шарт бўлган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас.

Лекин бизнинг асримизда – глобаллашув ва геосиёсийлашув жараёнлари гоят чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда, бизни қуршаб турган дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан ўзарини, унда яшаётган халқлар ва давлатлар тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб ва вазият ўта нозиклашиб бораётган бир пайтда ишонч чораларини мустақкамлашнинг тизим ва механизmlарини ишлаб чиқиш, барқарорликни сақлаш ва можароларнинг олдини олиш борасида давлатларнинг савий-ҳаракатларини янада фаоллаштириш, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга яқин маълумки, бу масалалар, бу долзарб муаммолар мавзуси кўпга минтақавий ва субрегионал халқаро тузилмаларнинг, аввало, нуфузли ташкилот бўлиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат-марказида туради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтганим бўлсак, ҳеч шубха йўқки, Қозоғистон давлати ва унинг Президентини Нурсултон Назарбаевнинг Осиё минтақасида можаролни вазиятлар ва қарама-қаршиликлар юзга келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида ишонч чоралари ва ҳамжиҳатлик масалаларини муҳокама қилиш учун белгиланган Форумни шакллантириш бўйича ташаббуси ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Мен бу ерда ХХР Раиси ва Россия Президентини билдирган муҳим тақдирларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон делегациясини номидан қуйидаги фикрларни баён этишни истардим.

Биринчидан, Осиё қитъаси ҳақида сўз юритилган бўлсак, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларининг, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларнинг изчил суръат

билан ривожланишини таъминлашда АСЕАН, ШХТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжиҳати, Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот, Евроосиё иқтисодий ҳамжиҳати каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шу боис бугун Форумда муҳокама этилаётган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда БМТнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилган асосий принциплар билан бирга, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ана шу масалаларга доир таъминот ва мулоҳазаларни ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Бу, ўз навбатида, мазкур нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун зарур асосни яратишга хизмат қилади.

Иккинчидан, Кенгашнинг ишонч чоралари ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқишда халқаро амалиётда ва сиёсат майдонида учрайдиган айрим хатти-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларга тўғри баҳо бериш лозим. Нега деганда, бундай ҳаракатлар халқлар орасида кўшимча кескинлик ва қарама-қаршилик туғдиришда, миллионлаб одамларнинг умидсизликлари тушиши ва ўз ён-тарофида руй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда.

Бундай воқеаларнинг сабаби тўғрисида, яъни муаллифларнинг маданий савиясининг пастлиги, сиёсий саводсизлиги, бошқа халқларнинг кўп асрлик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган ноқуш фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапир-иш мумкин.

Аммо айрим сиёсатчилар, давлат арбоблари ва коллектив нашрларнинг яққол игворалик руҳидаги сурбетлари, мутлақо асоссиз даъво ва чиқишлари, айниқса, жиддий таъшиш уйғотилади.

Бу борада гап кетганда, мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтириш мумкин: муулмонларнинг муқаддас дини бўлиши ислом динини халқаро терроризм билан боғлашга уринишлар, Фарб матбуотида турли ҳажвий расмлар чоп этиш орқали пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқирлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда, миллионлаб одамларнинг миллий гурури ва нафосиятига тегадиган биреклама, асоссиз баҳо ва хулосалар калтабинларча баён қилинмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, айрим ҳолларда бундай кирдикор ва чиқишлар халқаро жамоатчиликнинг миллатлар ва эллар, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустақкамлаш борасидаги мураккаб, узоқ ва изчил давом этакдан фаолиятини йўққа чиқармоқда.

(Давоми 2-бетда)

Тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ишончли кафолати

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 15 июн куни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу саммитда сўзлаган нутқи эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Хурматли давлат раҳбарлари!
Муҳтарам саммит қатнашчилари!
Давлатлар раҳбарлари ва вакиллари – саммит иштирокчилари кутлаш менга катта мамнуният бағишлайди. Хитой Халқ Республикаси раиси жаноб Ху Цзиньтаога ва барча хитойлик дўстларимизга меҳмондўстлик ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ажойиб ташкил этганлиги учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ўзбекистон ШХТнинг ўтган беш йиллик фаолиятига бу ерда берилган баҳоларни маъқуллайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий базани шакллантириш, асосий ҳужжатларни қабул қилиш, ШХТнинг ташкилий ва институционал шаклланиши борасида улкан ишлар қилинди, ШХТ олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга ошириш учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро алоқани йўлга қўйиш бўйича салмоқли қадамлар ташланди.

ШХТ изчил ривожланиб, ўз фаолияти доирасини хавфсизлик соҳасидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳалар, шунингдек, халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафика қарши кураш соҳасидаги кўп қўламли ҳамкорликка кенгайтирди.

Тарихан қисқа даврда ШХТ нафақат нуфузли халқаро тузилмага айланди, балки ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи омиллардан бири бўлиб шаклланди.

Бизнинг фикримизча, ШХТнинг халқаро оёруси ва жозибадорлиги ортиб бораётганини белгилаётган энг муҳим жihatлар қуйидагилар:

Биринчидан, Евроосиё ҳудудида ШХТнинг ўз вақтида ташкил этилиши ва бунга эътиҳ борлиги, унинг олдида қўйилган ва ҳал этилаётган вазифаларнинг долзарблиги. Бунда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қатарда, ташкилотга аъзо мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга муҳим аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир.

Иккинчидан, ШХТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қартилмаган ва қарама-қаршилик қилмайдиган блок хусусиятига эга эмас.

Нихоят, **учинчидан**, ҳозирги замонда ШХТ ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб барқарорликни сақлашнинг ишончли кафолати, радикал ва экстремистик кучлар, турли кўп-рувчи ва бузуқчи марказларнинг минтақадда вазиятни издан чиқариш, уни қарама-қаршилик ва низо майдонига айлантиришга уринишларига тўсик қўювчи омил сифатида майдонга чиқайтгани алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳурматли саммит қатнашчилари!
Халқаро ҳамжиҳат томонидан амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар қарамай, жаҳон бўйлаб хавф-хатар камаймаяпти.

Бугунги форумда вакиллари иштирок этган кенг географик ва геосиёсий ҳудудда ҳали ҳамон кескинлик ўчоқлари, ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний асос-

даги қарама-қаршиликларнинг кескинлашиш хавфи, иқтисодий ва гуманитар хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда.

Афғонистонда вазиятнинг беқарорлиги, наркотик ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани, ушбу мамлакатда жойлашган коалиция қўчаларининг бу иллатга қарши кураш чоралари қўйилган натижани бермаётгани жиддий таъшиш уйғотмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушириш, уларни муқобил давлатлараро бирлашмаларни шакллантириш бўйича турли геосиёсий комбинацияларга тортишга астойдил уринишлар давом этмоқда. Булардан мақсад ўзининг стратегик манфаатлари йўлида минтақаддаги вазиятни издан чиқаришидир.

Минтақаддаги давлатларни, сиёсий йўналиши уларнинг узоқ муқаддатли манфаатларига мос келиши ёки келмаслигига қараб, демократик ёки гаиридемократик деб атайди, бундай қарашнинг оқибати ҳам шунга яраша бўлади.

Ўз-ўзидан аёнки, юзга келмаётган мураккаб вазиятда узоқ истиқболни ҳисобга олиб, бундай комбинацияларнинг руй бериши мумкин бўлган барча оқибатларини олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш лозим.

Ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизлигини яқинлиги таъминлашдан келиб чиқиб, ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда ягона позицияда туриб иш тутмоқ муҳим аҳамият касб этди. Минтақаддаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни баҳолашда келишилган ёндашувлар ҳамда радикализм, экстремизм мафқураси хуружи ва миллатчилик кўринишларига қарши жавоб ҳаракатларини ишлаб чиқиш зарур.

Сув-энергетика ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, коммуникация масалалари ва бошқа муаммолар ҳар бир мамлакат ва, умуман, минтақа манфаатларининг мувозанатини ҳисобга олган ҳолда оқилона ҳал этилиши лозим.

Мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил ривожланиши, халқларимизнинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва кооперацияни янада чуқурлаштиришга, «Шанхай жараёнининг» барча қатнашчилари манфаатларига бир жиҳда мос келадиган муҳим трансмиллий лойиҳаларни ҳал этишда бир-бирликдаги савий-ҳаракатларимизни кучайтиришга боғлиқ.

Айтилган фикрларни умумлаштириб шуни таъкидлашни истардимки, имзолаш учун тайёрланган саммит ҳужжатлари – ШХТда интеграция жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, замон таҳдидларига қарши биргаликда курашиш борасидаги янги қадамдир.

Ишончим комилки, ўзаро ишонч ва ҳурмат, мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивизм ва прагматизм, манфаатлар мувозанатини сақлаш каби асосий тамойилларга асосланган ҳамкорлик хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун мустақкам пойдевор яратмоқда.

Эътиборингиз учун ташаккур.



Анджон туманидаги хориз сармоядорлари иштирокида ташкил этилган "Маск" қўшма корхонасида қизгин меҳнат мавсуми бошланди. Бу ерда асосан томат пастаси ва газланган маъданли сув ишлаб чиқарилади. СУРАТДА: корхона ишчилари Раҳиммахон Ваҳоббоева ва Фаридахон Абдурахимова. Х.АРАББОВЕВ олган сурат.

Болалар спорти

Қумқўрғон туманида спортга ҳомишлик қилаётган ҳиммати билан фермерлар анчагина. Эргаш ака Жумаев "Эргаш бобо Жума ўғли" фермер хўжалигига раҳбарлик қилади, болалар унинг жони-дили.

– Болалар элининг юртининг эртанги куни, – дейди Эргаш ака Жумаев. – Туманимиз йилгит-қизлари вилоятда, республикада, хатто халқаро муСОБАқаларда ҳам энг юқори натижаларга эришяптилар. Мен бундан беҳад қувонаман, шундай спортчи болалар кўпайсин, дейман. Фермер хўжалигимиз томонидан улар учун 825 минг сўмлик ҳомишлик ёрдами қилинди. Киш-лоқдаги спортсавар ўғил-қизларимиз кўп, катта спорт майдонларига чўпонинг дей-қоннинг боласи чемпион бўлаяпти.

(Давоми 4-бетда)

Дўстона алоқалар ривожланиб бораверишига ишонамиз

Саудия Арабистони ва Кувайтда Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби араб тилида нашр этилиб, жамоатчиликка тақдим этилди. Ушбу китоб нафақат мазкур икки мамлакатда, балки бутун араб дунёсида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот маросимлари араб мамлакатларидаги энг нуфузли илмий-таҳлил муассасаларидан бири – Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёддаги шох Файсал номидаги Ислам тадқиқотлари маркази ҳамда Кувайт миллий университетида бўлиб ўтди. Тадбирда Президент Ислам Каримовнинг мазкур китоби ўз вақтида нашр этилгани ва у айрим чет эл оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон ҳақида тарқатган бўҳтонларига муносиб жавоб эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг китоби араб матбуотида кенг муҳокама қилинган сабаб бўлди. Хусусан, «Ал-Ҳаёт», «Араб ньюс», «Рияд» каби нуфузли нашрларда ушбу тадбир билан боғлиқ мақолалар чикди.

Эътироф – улардан мазкур асар тақдимоти туфайли араб жамоатчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкони пайдо бўлгани қайд этилди.

Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили вазифасини бажарувчи Наиф бин Саид аз-Захроний билан ўза муҳбирининг суҳбати ҳам шу ҳақда бўлди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг араб тилида нашр қилинган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимотида Саудия Арабистонидаги ижтимоий-сиёсий, илмий доиралар вакиллари ва ишбилармонлар, етакчи таҳлил марказлари, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этгани мамлакатимизга араб дунёсида қизиқиш ортиб бораётганидан яна бир далолатдир, – дейди дипломат.

(Давоми 2-бетда)

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

Россия Федерацияси "ГАЗ" ОАЖнинг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютери

AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 урилдикли, 0,8 тонна юк кўтарилган фурговлар, 6-15 урилдикли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш инсталланган усулда!


Махсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-йў. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

пиллачилик:

Асрий анъаналар қайта тикланди

Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг пиллачилик мактаби, ипакчилик анъанаси мавжуд. Бунга таърих гувоҳ...



Маълумотларнинг далолат беришича, озуқаси тут бағи бўлган пиллачилик урни қайта ишлаш орқали ипак маҳсулотлари тайёрлаш биз учун асрий анъана. Бу технология Ўзбекистонга Буюк Ипак йўли орқали Хитойдан кириб келган.

Яна маълумотларда келтирилишича, шойи маҳсулотларини айни шу худуддан Афғонистон, Эрон, Хиндистон каби Осиё мамлакатларига, сўнгра Кавказ, Россия ва Европа давлатларига экспорт қилинган.

Кейинги йилларда пиллачилик соҳаси оқсай бошлаган эди. Ҳукуматимизнинг соҳага бўлган эътибори, пиллачиликка яратиб берилган муносиб шароитлари тўғрисида маълумотлар учрайди. Бундай савдо-сотиқ XIX асрда авж паллага чиққан.

сўнги олти йил ичида илк бор бу йил пилла тайёрлаш шартномасини ортиги билан адо этдилар. Жорий йил мавсумида республикамизда жами 391,5

етиштиришдек масъулиятли иш муносиб кишилар зиммасига юкланди. Ипак курти озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йил кўламида 1,5 миллион гектар майдонда янги тўздорлар барпо этилди. Қувонарли жиҳати шундаки, янги тўздорлар фермерларга бириктириб қўйилган. Тўғри, энди экилган бу нав ниҳоллар ҳосил бергунча камиди 3-4 йил керак бўлади. Лекин шу келгуси тўрт йилда мавжуд тут плантациялари шунча майдонга кўпайишига умид боғлаш мумкин.

Чунки янги тут майдонлари эғалик бўлди. Эғали бoғ ҳеч қачон қаровсиз қолмайди. Муаммонинг минг қути ипак курти парваришланиб, 20 минг 400 тоннадан зиёд сифатли пилла этиштирилди. Ҳар бир қути ипак куртидан олинган ҳосил ўртача 52,5 килограммданга тўғри келди. Айрим илгор пиллачилар ҳар қути ипак куртидан 72-77, ҳатто 87-90 килограммгача пилла териб олишди. Масалан, Дўстлик туманидаги Б.Хўжабеков, Р.Сайфиевлар ҳосилдорликни 70 килограммдан оширган бўлишса, пахтакорлик фермер Т.Эшбоев бир қути ипак куртидан нақд 87 килограмм юқори сифатли пилла териб олди. Бундай мисолларни ҳар бир вилоятдан хоҳлаганча келтириш мумкин. Лекин илгариги йиллари ҳатто шартномада кўрсатилган ҳосилни ололмаган пиллачининг бу йилги муваффақиятлари боиси нимадир?

“Ўзбек ипаги” уюшмаси раҳбариятининг эътирофи эътибори, муваффақиятининг бош омилли республикамиз ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибори, қўллаб-қувватлаши бўлди. Шунингдек, мўл ҳосил тадориши ўтган йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Яъни 2005 йилнинг ноябр ойидаёқ пилла этиштирувчилар билан контрактация шартномалари тўлиқ тузиб бўлинди. Пилла

барги кераклиги шунча тажриба 25 сотих тўздордан олиш мумкинлигини ҳисобга олсак, бу борада ҳам чакана иш қилинмаганини ҳис этиш қийин бўлмас керак.

Бу йилги улкан ютуқни пиллачиларнинг ўзлари моддий манфаатдорлигини оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Дарҳақиқат, мавсум аввалида пилла этиштирувчи ўзбекистонлик фермерларга буюнча жами 13,7 миллиард сўм буюнча пули тарқатилди. Шу жумладан, бевосита меҳнат ҳақи учун 6,3 миллиард сўм миқдориде маблағ берилди. Бундан ташқари, ре-Эғали бoғ ҳеч қачон қаровсиз қолмайди. Муаммонинг жадан ортиқ этиштирилган ҳосил учун қўшимча ҳақ



тўлангани пиллачиларни қувонтириб юборди. Яъни, “Ўзбек ипаги” уюшмасининг буйруғи билан шартномавий режадан ортиқ топширилган ҳар кило пилланинг биринчи нави учун 1100 сўмдан, иккинчи навларга 850 сўмдан қўшимча ҳақ тўланди. Мисол учун Бекобод туманидаги Кўпайсин опа Арзиметовани айтайлик. У 10 қути ипак курти парваришлаб, 770 килограмм пилла этиштирди. Бу ўртача 77 килограммдан ҳосил дегани. Режадан ортиқ этиштирган пилласи учун оз эмас, кўп эмас — 190 минг сўм қўшимча даромад олди. Ёки бўлмаса Юкори Чирчик туманидаги “Шералиева Ҳилолати” фермер ҳўжалигини олайлик. Унинг қўшимча да-


ромади 126 минг сўми тажриба ташкил этди. Бирма-бир санасак бундайлар қанча. Меҳнати ҳосиласини тарози бошида кўраётган пиллачиларнинг чарчоқлари ҳам чиқиб кетганини ўзлари эътироф этишяпти.

—Пиллачилик машаққатли соҳа, — дейди “Ўзбек ипаги” уюшмаси бошқаруви раисининг маслаҳатчиси Нигмат Нормухаммедов, — бунини қишлоқ аёллари яхши билишадилар. Чунки пилла этиштириш қишлоқ аҳолиси хонадонларида амалга оширилиб, ипак курти парвариши аёллар зиммасига тушишини яхши биламиз. Аввало, қишлоқ аёллари — пиллачиларни рағбатлантириш, шунингдек, пиллачиликни ривожлантириш, унинг сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрнатишда кооперативни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониини истисно тариқасида уй шароитида меҳнат қилиб, пилла этиштиришга барча пиллачиларга татбиқ этилса, ҳукуматимизнинг уларга оталарча ҳўмўрлиги бўлар эди. Чунки “Ўзбек ипаги” уюшмаси




асло йўл қўймаслик зарур, уни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида муваффақиятларини қўйиб, “Ўзбек ипаги” уюшмаси раҳбариятининг эътирофи эътибори, муваффақиятининг бош омилли республикамиз ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибори, қўллаб-қувватлаши бўлди. Шунингдек, мўл ҳосил тадориши ўтган йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Яъни 2005 йилнинг ноябр ойидаёқ пилла этиштирувчилар билан контрактация шартномалари тўлиқ тузиб бўлинди. Пилла

асло йўл қўймаслик зарур, уни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида муваффақиятларини қўйиб, “Ўзбек ипаги” уюшмаси раҳбариятининг эътирофи эътибори, муваффақиятининг бош омилли республикамиз ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибори, қўллаб-қувватлаши бўлди. Шунингдек, мўл ҳосил тадориши ўтган йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Яъни 2005 йилнинг ноябр ойидаёқ пилла этиштирувчилар билан контрактация шартномалари тўлиқ тузиб бўлинди. Пилла



асло йўл қўймаслик зарур, уни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида муваффақиятларини қўйиб, “Ўзбек ипаги” уюшмаси раҳбариятининг эътирофи эътибори, муваффақиятининг бош омилли республикамиз ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибори, қўллаб-қувватлаши бўлди. Шунингдек, мўл ҳосил тадориши ўтган йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Яъни 2005 йилнинг ноябр ойидаёқ пилла этиштирувчилар билан контрактация шартномалари тўлиқ тузиб бўлинди. Пилла

асло йўл қўймаслик зарур, уни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида муваффақиятларини қўйиб, “Ўзбек ипаги” уюшмаси раҳбариятининг эътирофи эътибори, муваффақиятининг бош омилли республикамиз ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибори, қўллаб-қувватлаши бўлди. Шунингдек, мўл ҳосил тадориши ўтган йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Яъни 2005 йилнинг ноябр ойидаёқ пилла этиштирувчилар билан контрактация шартномалари тўлиқ тузиб бўлинди. Пилла



асло йўл қўймаслик зарур, уни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида муваффақиятларини қўйиб, “Ўзбек ипаги” уюшмаси раҳбариятининг эътирофи эътибори, муваффақиятининг бош омилли республикамиз ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибори, қўллаб-қувватлаши бўлди. Шунингдек, мўл ҳосил тадориши ўтган йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Яъни 2005 йилнинг ноябр ойидаёқ пилла этиштирувчилар билан контрактация шартномалари тўлиқ тузиб бўлинди. Пилла



Ўз жонига зомин бўлди

Чеченiston айирмачи жангарилари раҳбарларидан Абдул-Ҳалим Сайдуллаев йўқ қилинди. Аргун худудидеги кўп қаватли уйлариинг ертўласида шубҳали шахслар пайдо бўлгани ҳақидаги маълумотдан сўнг Федерал хавфсизлик хизмати ва милиция ходимлари у ерда текширув ўтказишган. Ертўладаги жангарилар эканлиги маълум бўлган, йўқ қилиш амалиёти олиб борилган. Натигада бир неча жангари ва Сайдуллаев ҳалок бўлган.

Сайдуллаев кўнгина жиноятлар ва кўпуровчиликка айбонлиб, қўлириб келинмоқда эди. У 2005 йил Аслан Масхадов ўлдирилгандан сўнг ўзини Ичкериянинг президенти, деб эълон қилган эди.

Европадаги мустақил мухторият

Каталонияда мухториятнинг кенгайтириш ва мустақил мухториятнинг эълон қилиш тўғрисида референдум ўтказилди. 99,95 фоизлик бюллетенларнинг ҳисоб-китобига кўра, 73,9 фоиз аҳоли референдумни қўллаб-қувватлаган. Каталониянинг янги мақомига кўра, энди у Европадаги ягона мустақил мухторият саналади ва ҳукуматта доир масалаларни ўзи ҳал этади.

Қозоғистоннинг илк сунъий йўлдоши

Қозоғистон фазони татқиқ этувчи илк сунъий йўлдошини учирди. Россияда ишлаб чиқарилган ҚАЗСАТ1 Бойқўнғир космодромидан Протон-К ракетаида самога йўл олди. Ушбу ҚАЗСАТнинг нархи 65 миллион долларга тенглиги айтилмоқда. У Қозоғистондан ташқари, Россиянинг айрим худудлари, Қирғизистон ва Туркменистон учун ҳам коммуникация-теле-тўлқинлар узатишда хизмат қилади.

Жиққамушт оға-инилар

Фаластин раҳбари Махмуд Аббос бошчилигидаги ФАТХ ҳаракати қўшимча тўрт минг нафар қўшин йиғишга киришди. На а’рет газетасининг ёзишича, ФАТХ ҳукумат парламентидаги деярли барча ўринларни эгаллаб турган ХАМАС ҳарбийлашган ташкилотни билан қўллашган урушга тайёргарлик кўрмоқда.

Черковдаги епископ аёл

АҚШнинг Невада штатидаги англикан Епископ черковига аёл киши бош роҳиб этиб тайинланди. Черков епископлари бош конвенцияси раислиги штат епископлигига Катрин Жеффертс Шорини маъқул, деб топди. Айрим таъминларга кўра, аёл кишининг бу лавозимга келиши Америка ва бошқа давлатлар англикан черковлари епископлиги ўртасидаги алоқаларга совуқчилик аралаштириши мумкин. АҚШдан ташқари Янги Зеландия ва Канада епископлари орасида ҳам аёллар мавжуд.

“Битцевский маняги” изидан

Москвадаги Битцевский паркида бир неча қотилликнинг амалга оширилганлигида гумон қилинаётган бир шахс қўлга олинди. “Битцевский маняги” ови 2000 йилдан буён давом этиб келиб, уни қўлга олиш учун махсус гуруҳ ва авиация жалб этилган. Жиноятда тумон қилинаётган шахс исм-шарифи сир тутиляпти ва у ҳозир тергов қилинмоқда. Битцевский паркидаги қотил 2000 йилдан буён 10 дан зиёд одамни ваҳидийларга ўлдирган. Унинг қўрбонлари, асосан, нафақа ёшидаги кишилар бўлган. Москва шай вақилининг айтишича, агар “Битцевский маняги” иши очилса, “Чикотилла иши”дан кейинги шов-шувли воқеа ҳисобланади.

Махфий қурол сири

АҚШ президенти Жорж Буш “Ал-Қоидда” террорчи гуруҳининг “Мубтаҳар” деб номланган сири қурол билан танишди. Мамлакат хавфсизлик хизматининг маълумотларига кўра, 2003 йил террорчилар Нью-Йорк метросида “Мубтаҳар” қурол орқали биологик кўпуровчиликни амалга оширмоқчи бўлишган. Бироқ номалум сабаблар билан бу режа бекор қилинган. АҚШ хавфсизлик хизмати айрим маълумотларга таяниб, бу қурол нуқсонини яратди. Массофали бошқарилган “Мубтаҳар” қуролни диний моддаси ва водород жойлашган икки камерадан иборат кичик мосламандир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Англия фунг стерлинги, Дания кронаси, БАА дирҳами, АҚШ доллари, Микр фунти, Исландия кронаси, Канада доллари, Хитой юани, Малайзия риялти, Польша злотийси, СДР, Туркия лираси, Швейцария франки, ЕВРО, Жанубий Корея вонни, Япония иенаси, Россия рубли, Украина гривнаси.

АТ "Пахта банк" жисмоний шахслардан қуйида келтирилган муддатли ва жамгарма омонат турларига бўш пул маблағларини қабул қилади

Table with columns: №, Омонат (депозит) номи, Депозит тури, Муддати, Йиллик фойиз ставкаси, Бошланғич бадал, Изоҳ. It lists various deposit types like 'Oq Oltin', 'Paxtakor', 'Farovonlik', etc., with their respective terms and interest rates.

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш» Фонди томонидан кафолатланган.

«Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!

Сервис ривожланади

Бугунги кунда мамлакатимиз барча соҳаларида бўлгани каби хизмат кўрсатиш тизимини изчил ривожлантириш учун қатор қарорлар қабул қилиниб, янгилар жорий этилмоқда, доимий равишда тажриба ва изланишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада туб ўзгаришлар учун дастури а м а л ч а л а р д а н бўлди. Қарорнинг асосий мақсади бевосита хизмат кўрсатиш ва сервисга тегишли корхоналар манфаатини ҳимоя қилишдан иборатлиги мазкур соҳага ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган катта эътибор белгисидир. Бунини тўғри тушуниш ва жойларда тарғиб қилиш орқали ижросини таъминлаш билан қўлланган натижаларга эришиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қарор моҳиятини кенг оммага етказиб бериш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида семинар йиғилишлари ўтказилди. Айниқса, қарорда қайд этилганидек, солиқ тўловчиларга маълум даражада имтиёзлар беришни бандлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Ҳўш, бу имтиёзлар нима-

ООО “Ўзгаришагро-машсервис” МТП обявляеет о проведении общего собрания Учредителей ООО “Ўзгаришагро-машсервис” МТП, которое состоится 14 июля 2006 года по адресу г.Ташкент, ул. К.Шарипова, 5.

Административное здание ООО “Ўзгаришагро-машсервис” МТП. Начало регистрации 9.00. Повестка дня: 1. Отчет председателя правления ООО “Ўзгаришагро-машсервис” МТП по итогам 2005 года. 2. Заключение ревизионной комиссии и аудитора о результатах проверки финансово-хозяйственной деятельности по итогам 2005 года. 3. Рассмотрение вопроса выплаты дивидендов за 2005 год. 4. Разное.

